

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.В.53.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ**

ХАМДУЛЛАЕВ ШУХРАТ АБДУРАХМОНОВИЧ

**БАРГ ШАКЛИ ТУРЛИЧА БЎЛГАН ҒЎЗА ГЕНОТИПЛАРИНИНГ СУВ
ТАНҚИСЛИГИГА МОСЛАШУВЧАНЛИК ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ
ГЕНЕТИК АСОСЛАРИ**

03.00.09 – Умумий генетика

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Хамдуллаев Шухрат Абдурахмонович

Барг шакли турлича бўлган ғўза генотипларининг сув танқислигига мослашувчанлик хусусиятларининг генетик асослари.....3

Хамдуллаев Шухрат Абдурахмонович

Генетические основы особенностей адаптации к водному дефициту генотипов хлопчатника с разной формой листьев.....21

Khamdullayev Shukhrat Abdurakhmonovich

Genetic bases of adaptation features to water deficit of cotton genotypes with different leaf shapes.....41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....45

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.В.53.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ**

ХАМДУЛЛАЕВ ШУХРАТ АБДУРАХМОНОВИЧ

**БАРГ ШАКЛИ ТУРЛИЧА БЎЛГАН ҒЎЗА ГЕНОТИПЛАРИНИНГ СУВ
ТАНҚИСЛИГИГА МОСЛАШУВЧАНЛИК ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ
ГЕНЕТИК АСОСЛАРИ**

03.00.09 – Умумий генетика

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/PhD.1** рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши **Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси** институтида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (Ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.genetika.uz) ва «Ziyounet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Набиёва Сайдиёзани Мухторович
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Қаҳхаров Иzzатулла Тилолович
кишлоқ хўжалик фанлари доктори, кат и х.

Муминов Хасан Алиқулович
биология фанлари фалсафа доктори, кат и.х.

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси **Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси** институти хузуридаги **DSc.02/30.12.2019.B.53.01** рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил **«29»** **484208P** кунли соат **14⁰⁰** даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111226, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори-Юз а/б, Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти мажлислар зали. Тел: (+99871) 264-23-90; факс (+99871) 264-23-90; e-mail: igebr@academy.uz).

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан **Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси** институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (**274** рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111226, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори-Юз а/б, Тел: (+99871) 264-23-90.

Диссертация автореферати 2021 йил «**16**» **декабр** кунли тарқатилди
(2021 йил «**16**» **декабр** даги **47** рақамли реестр баённомаси)



А.А. Нариманов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор

Б.Х. Амаянов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, б.ф.д., катта илмий ходим

Ш. Юнусханов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё аҳолисининг кўпайиб бораётгани озиқ-овқат манбалари билан бир қаторда, кўплаб мамлакатларнинг асосий қишлоқ хўжалиги экини бўлган ғўзанинг толаси ва бошқа маҳсулотларига бўлган эҳтиёжнинг ошишига олиб келмоқда. Дунё пахтачилигида барқарор ва сифатли тола маҳсулоти олиш, яратилаётган янги навларда ҳосилдорлик ва бошқа қимматли-хўжалик белгилари ҳамда хусусиятларини яхшилаш энг муҳим вазифалар ҳисобланиб, генетик-селекцион тадқиқотларда ғўза генофонди намуналаридан кенг кўламда фойдаланишга катта эътибор берилмоқда.

Жаҳонда глобал иқлим ўзгаришининг қишлоқ хўжалигига салбий таъсири кучайиб бораётгани туфайли ғўзанинг генетик, физиологик ва қимматли-хўжалик кўрсаткичларини тадқиқ этиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада турли экстремал шароитларга, жумладан қурғоқчиликка бардошли навларни яратиш бўйича олиб борилаётган изланишларда бошланғич манбаларнинг сув стрессига морфобиологик белгилари бўйича генотипик реакцияларини, бу белгиларнинг ўзаро боғлиқлигини ўрганиш, сув танқислигига чидамлилигини ошириш учун қурғоқчиликка чидамликнинг генетик қонуниятлари аниқлаш бўйича кенг кўламда тадқиқотлар олиб бориш ҳамда қурғоқчиликка чидамли янги генетик манбаларни амалий селекция жараёнига жалб қилиш муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Республикамиз мустақилликка эришганидан сўнг пахтачилик соҳасида олиб борилган ислохотлар натижасида муайян ютуқларга эришилди. Жумладан, ўрта ва ингичка толали ғўзанинг тезпишар серҳосил, тола чиқими юқори навлари яратилиб, ишлаб чиқаришга жорий этилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ «маҳаллий тупроқ-иқлим ва экологик шароитларга мослашган қишлоқ хўжалиги экинларининг янги селекция навларини яратиш» вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, барг шакли турлича бўлган ўрта толали ғўза навлари ва тизмаларининг сув танқислигига физиологик ва морфохўжалик белгилари бўйича генотипик реакциясини, бу белгиларнинг F₁-F₂ дурагайларида ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ва ўзаро боғлиқлигини, ота-она шакллариининг ўрганилаётган белгилар бўйича комбинацион қобилятини аниқлаш, ингичка толали ғўзада сув танқислигига мослашувчанликнинг физиологик хусусиятларини, ғўза қурғоқчиликка чидамлилигининг генетик-селекцион тадқиқотлари учун қимматли ашёларни ажратиш ва селекция жараёнида қўллаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги, 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

“Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чоратadbирлари тўғрисида” ги Фармонлари, ЎзР ВМ нинг 2021 йил 4 мартдаги 121-сон “Мавжуд ер майдонларидан самарали фойдаланиш ва 2021 йил хосили учун қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш тўғрисида” ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-хукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хорижий олимлар (M. Afzal, 1930; S.A.Kamel, A.Omran, 1962; R.J.Kohel, 1972; Jia Zhao-dong, 2006, S.Singh, 2010; S.Taofik et al., 2000; M.A.Khan et al., 2009; H.Basal, I.Turgut et al., 2003; M.J.Baloch et al., 2004; Abdel-Hafez et al., 2007; Yuksek Bolek et al., 2010) томонидан ғўзада сифат ва миқдорий кўрсаткичларнинг ирсийланишини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борилган. Қатор хорижий ва маҳаллий тадқиқотчилар (S.C.Harland 1929; J.V.Hutchinson 1934; В.И. Кокуев 1937; S.G. Stephens 1945; E.L. Turcotte 1973; Д.А.Мусаев 1979; М.Ф.Абзалов, Г.Н. Фатхуллаева 1977, 1979; W.R.Meredith 1984; S.Poethig 1989; А.Г.Мадалиев 1990; W.T.Pettigrew, J.J.Heitholt, K.C.Vaughn 1993; С.С.Chu, E.T. Natwick, T.J. Henneberry 2002; R.J.Andres, D.T.Bowman, B.Kaur, V.Kuraparthу 2014; D.Vlad, D.Kierzkowski et al. 2014. J.A.Andries 1970) томонидан ғўза ўсимлигида барг шаклининг генетик назорат қилинишининг қонуниятлари ўрганилган. Бироқ, ғўзанинг барг шакли турлича бўлган ўрта толали намуналарининг физиологик ва қимматли-хўжалик белгилари бўйича сув танқислигига генотипик реакцияси, бу белгиларнинг F₁ дурагайларида ирсийланиши, F₂ дурагайларида ўзгарувчанлиги, ўзаро боғлиқлиги, ингичка толали ғўза нав ва тизмаларининг физиологик ва қимматли-хўжалик белгилари бўйича сув танқислигига мослашувчанлик хусусиятлари ҳақидаги маълумотлар илмий адабиётларда деярли келтирилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг №ФА-Ф5-Т025 “Ўрта толали ғўза навлари, тизмалари, нав намуналари ва уларнинг дурагайларида қурғоқчиликка ва вилтга чидамлилиқнинг физиологик ва генетик асосларини ўрганиш” (2012-2016) ва №МВ-ФА-А-ҚХ-2018-25 “Ингичка толали ғўзанинг тезпишар, серхосил, толаси I-II типга мансуб ва чиқими юқори, гармселга чидамли янги тизмаларини яратиш ва уларни селекцияда қўллаш” (2018-2020) мавзуларидаги фундаментал ва амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади барг шакли турлича бўлган ўрта толали ғўза навлари ва тизмаларининг F₁-F₂ дурагайларида барг шаклининг, турли сув режими шароитларида физиологик ва морфоҳўжалик белгиларининг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ва ўзаро боғлиқлигини, ингичка толали ғўза нав ва тизмаларининг сув танқислигига генотипик реакцияларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

G. hirsutum L. турига мансуб, барг шакли турлича бўлган нав ва тизмаларининг F₁-F₂ дурагайларида барг шаклининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлигини гибридологик таҳлил қилиш;

сув билан оптимал таъминланганлик ва сув танқислиги шароитларида барг шакли турлича бўлган ўрта толали ғўза навлари ва тизмаларининг F₁-F₂ дурагайларида физиологик белгиларнинг ирсийланиши ва ўзгарувчанлигини гибридологик таҳлил қилиш;

сув билан оптимал таъминланганлик ва сув танқислиги шароитларида барг шакли турлича бўлган ўрта толали ғўза навлари ва тизмаларининг F₁-F₂ дурагайларида морфоҳўжалик белгиларининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлигини гибридологик таҳлил қилиш;

турли барг шаклига эга ўрта толали ғўза навлари ва тизмаларининг F₁-F₂ дурагайларида физиологик ва морфоҳўжалик белгиларининг ўзаро корреляциясини аниқлаш, селекцион ашёларни ажратиб олиш;

ингичка толали *G. barbadense* L. тури нав ва тизмаларининг сув танқислигига физиологик ва морфоҳўжалик белгилари бўйича генотипик реакцияларини таҳлил қилиш;

турли сув режимида ингичка толали ғўзанинг морфоҳўжалик белгилари бўйича истиқболли селекцион ашёларини ажратиб олиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ғўзанинг *G. hirsutum* L. турига мансуб барг шакли яхлит думалоқ – Детерминант-2, яхлит тухумсимон – Л-501, яхлит ланцетсимон – Детерминант-3, беш панжали қирқимли – Л-490 тизмалари, беш панжали киртикли – Омад, Ишонч навлари ва уларни ўзаро диаллел чатиштириш орқали олинган F₁-F₂ ўсимликлари ҳамда *G. barbadense* L. турига мансуб Т-167, Т-663, Т-2006, Т-5440, Т-5445, Т-1, Т-10, Т-450 тизмалари, Марварид, Термиз-31 ва Сурхон-14 навлари олинган.

Тадқиқотнинг предметини барг шакли турлича бўлган ўрта толали ғўза генотипларининг F₁-F₂ дурагайларида турли сув режими шароитларида физиологик ва морфоҳўжалик белгиларининг гибридологик таҳлили ва ингичка толали ғўза нав ва тизмаларининг сув танқислигига генотипик реакцияларининг таҳлили ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда ғўзанинг классик генетик-селекцион усуллари, дурагайлаш, гибридологик таҳлил усуллари, ўсимликлар физиологияси, киёсий морфологияси, фенологик кузатувлар ва генетик-статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

Ўрта толали ғўзада сув танқислиги шароитида ўсимлик баргларидаги умумий сувнинг юқори миқдорига ланцетсимон баргли Детерминант -3 тизмаси, баргларнинг сув ушлаш хусусиятининг юқори кўрсаткичларига Ишонч ва Омад навлари, баргдаги паст транспирация жадаллигига яхлит думалоқ баргли Детерминант-2 ва Л-501 тизмалари эга эканликлари аниқланган;

сув билан оптимал таъминланганлик ва сув танқислиги шароитларида барг шакли турлича бўлган ғўза навлари ва тизмаларининг F₁ дурагайларида тола узунлиги белгиси асосан ижобий доминантлик, тола чиқими белгиси ота ёки она шаклининг тўлиқсиз доминантлиги ва ижобий ўта доминантлик, битта кўсакдаги пахта оғирлиги ва 1000 дона чигит оғирлиги белгилари асосан паст кўрсаткичли ота ёки она шаклининг тўлиқсиз доминантлиги ҳолатларида ирсийланиши очиқ берилган;

G. hirsutum L. ғўза тури нав ва тизмалари дурагайларининг физиологик ва морфоҳўжалик белгилари бўйича сув танқислигига реакцияси барг шаклига нисбатан кўпроқ оталик ва оналик генотипларига боғлиқ равишда турли даражада намоён бўлиши аниқланган;

турли сув режими шароитларида F₁ дурагайларида физиологик ва морфоҳўжалик белгиларининг назоратида ота-она шаклларининг донорлик хусусиятига боғлиқ ҳолда аддитив ёки ноаддитив генлар самараси юзага келиши аниқланган;

ўрта толали ғўзада барг шакли билан миқдорий белгилар ўртасидаги корреляция натижаларига кўра, барг шаклининг беш киртикли ва беш қирқимли бўлишлиги тола чиқими, индекси, битта кўсак оғирлиги ва ўсимлик маҳсулдорлиги билан ижобий боғлиқликка эга эканлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Сув танқислиги шароитида ўрта толали ғўза навлари ва тизмалари гуруҳида барглардаги умумий сув миқдорининг юқорилиги бўйича ланцетсимон баргли Детерминант-3 тизмаси, баргларнинг транспирация жадаллигининг паст ва сув ушлаш хусусиятининг юқорилиги бўйича беш панжали-киртикли барг шаклига эга Ишонч нави, тола индекси ва 1000 та чигит оғирлиги бўйича Омад нави, Л-490, Л-501 тизмалари, битта кўсакдаги пахта оғирлиги бўйича Л-490 тизмаси ажратиб олинган;

турли барг шаклига эга ўрта толали ғўза навлари ва тизмаларининг F₁ авлодида ўсимлик маҳсулдорлиги бўйича гетерозис самарасига эга комбинациялар, F₂ авлодида эса янги ирсий асосга ва қимматли-хўжалик белгиларининг юқори кўрсаткичларига эга рекомбинантлар ажратиб олинган;

ўсимлик бўйи чекланган, битта кўсакдаги пахта оғирлиги, тола узунлиги, микронейр, ўсимлик маҳсулдорлиги бўйича андоза Сурхон-14 навидан устун бўлган ингичка толали Ғузор нави (Л-450) Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш Марказининг Грунтназоратига тақдим қилинган. Ингичка толали “Марварид” ғўза нави Сурхондарё вилояти бўйича истиқболли нав сифатида Давлат реестрига киритилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги изланишларда қўлланилган усуллар ҳамда илмий ёндашувлар асосида олинган натижаларнинг назарий маълумотларга мос келиши, илмий тадқиқот натижаларининг республика ва халқаро илмий-амалий анжуманлардаги муҳокамаси ҳамда етакчи илмий журналларда чоп этилганлиги, олинган рақамли кўрсаткичларнинг генетик-статистик таҳлиллари билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўрта толали ғўзанинг турли барг шаклига эга нав ва тизмаларининг физиологик ва морфоҳўжалик белгилари бўйича сув танқислигига генотипик реакциялари даражаси ва бу белгилар ўртасидаги корреляцион боғлиқликлар аниқлангани, физиологик ва морфоҳўжалик белгиларининг F_1 дурагайларида ирсийланиши, F_2 авлодида ўзгарувчанлиги, наслдан-наслга берилиш даражаси, ота-она ва дурагай генотипларининг белгилар бўйича комбинацион қобилиятлари, янги ингичка толали ғўза тизмаларининг сув танқислигига физиологик ва қимматли-хўжалик белгилари бўйича генотипик реакциялари хусусиятлари аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўрта толали ғўзанинг қурғоқчиликка чидамлилиқ генетикаси ва селекциясида турли барг шаклига эга нав ва тизмалардан фойдаланиш самараси, уларнинг баъзи F_1 дурагайларида ўсимлик маҳсулдорлиги бўйича гетерозис даражасининг юқори бўлиши ва F_2 дурагайларида морфо-хўжалик белгилари бўйича кенг кўламдаги ўзгарувчанликнинг юзага келиши аниқлангани, ингичка толали ғўза нав ва тизмаларининг сув танқислигига мослашувчанлик даражалари аниқланганлиги, қурғоқчиликка чидамли Л-450 (Ғузор нави) ва истиқболли “Марварид” навлари ишлаб чиқаришга жорий этилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Барг шакли турлича бўлган ғўза генотипларининг сув танқислигига мослашувчанлик хусусиятларининг генетик асосларини таҳлил қилиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

янги ирсий асосга эга ингичка толали, сув танқислигига чидамли, тезпишар, ҳосилдор ва юқори сифатли толага эга бўлган “Ғузор” (Л-450) нави яратилиб, «Ғўза генофонди» ноёб объекти коллекциясига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2021 йил 23 апрелдаги №4/125-1189-сон маълумотномаси). Натижада, бу нав ингичка толали ғўза коллекцияси хилма-хиллигини бойитиш имконини берган;

ғўзани ингичка толали «Марварид» нави 2021 йил Сурхондарё вилояти «Сурхон» дастлабки уруғ кўпайтириш элита хўжалигида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 28 сентябрдаги №02/020-3928-сон маълумотномаси). Натижада, янги ингичка толали «Марварид» ғўза навидан сув танқислигига чидамли, тезпишар ва сифатли ҳосил олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 6 та республика илмий амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари асосланган, объект ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ўзанинг *G.hirsutum* L. ва *G.barbadense* L. турларининг халқ хўжалигидаги аҳамияти, морфофизиологик ва қимматли-хўжалик белгиларининг ирсийланиши ҳамда ўзгарувчанлигини ўрганилганлик ҳолати**» деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси доирасида республика, МДХ ва хорижий давлатлар олимларининг *G.hirsutum* L. ва *G.barbadense* L. турига мансуб ўза генотипларида барг шакли, морфофизиологик ва қимматли-хўжалик белгиларининг ирсийланиши ҳамда ўзгарувчанлигини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотлари шарҳи келтирилган. Ўза генетикаси ва селекцияси соҳасида олинган натижалар, жумладан, ўзанинг морфофизиологик ва қимматли хўжалик белгиларининг ирсийланиш характери ва уларнинг амалий селекция жараёнларида қўлланилиши борасида хорижий ва маҳаллий олимларнинг тадқиқотлари маълумотлари чуқур таҳлилий асосда ёритиб берилган. Кейинги йилларда барг шакли турлича бўлган ўзада сув танқислигида морфофизиологик ва қимматли-хўжалик белгиларининг ирсийланишини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар қарийб олиб борилмагани таъкидланган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот ўтказилган жой ва шароити, манбаи ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган жой ва шароитлари, манбалари ва услублари батафсил ёритилган. *G. hirsutum* L. турига мансуб барг шакли яхлит думалоқ – Детерминант-2, яхлит тухумсимон – Л-501, яхлит ланцетсимон – Детерминант-3, беш панжали

қирқимли – Л-490 тизмалари, беш панжали киртикли – Омад, Ишонч навлари ва уларни ўзаро диаллел чатиштириш орқали олинган F_1 - F_2 ўсимликлари, ҳамда *G. barbadense* L. турига мансуб янги Т-167, Т-663, Т-2006, Т-5440, Т-5445, Т-1, Т-10, Т-450 тизмалари, Марварид, Термиз-31 ва Сурхон-14 навлари тадқиқот манбаи бўлиб хизмат қилган. Изланишларда ғўза генетикаси ва селекциясининг усуллари, жумладан, дурагайлаш ва гибридологик таҳлил усулларидан фойдаланилган. F_1 авлод дурагайларида белгилар бўйича доминантлик даражаси (hp), нав ва тизмаларнинг ўрганилаётган белги бўйича комбинацион қобилияти, белгилар ўртасидаги корреляция коэффициенти (r), вариация (V) коэффициентлари аниқланган. Тадқиқот натижаларининг статистик таҳлили Б.А.Доспехов (1985) услублари бўйича олиб борилган.

Диссертациянинг «**Ғўзанинг *G. hirsutum* L. турига мансуб, барг шакли турлича бўлган ғўза нав ва тизмаларининг F_1 - F_2 дурагайларида морфофизиологик ва қимматли-хўжалик белгиларининг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ва ўзаро боғлиқлиги**» деб номланган учинчи бобида *G. hirsutum* L. турига мансуб, барг шакли турлича бўлган нав ва тизмаларнинг F_1 - F_2 ўсимликларида барг шакли, физиологик ва хўжалик белгиларининг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги, ота-она шакллариининг комбинацион қобилияти бўйича олинган маълумотлар ва уларнинг гибридологик таҳлили баён этилган.

Бобнинг биринчи бўлимида барг шакли белгисининг ота-она шакллари ва F_1 - F_2 комбинацияларида намоён бўлиши, панжасимон киртикли ва яхлит-думалоқ барг шаклига эга ота-она шакллари ва уларнинг F_1 , F_2 авлодлари ўсимликлари барг шакли бўйича бир геннинг аллел ҳолатлари билан фарқланиши, яхлит-ланцетсимон бўлган Детерминант-3 тизмасининг панжасимон киртикли навлар билан чатиштиришдан олинган F_2 ўсимликларида барг шакли бўйича 9 та фенотипик синфга ажралиши, барг шакли тухумсимон ва ланцетсимон бўлган дурагайлар ўта беш қирқимли ва яхлит-думалоқ барг шаклига эга тизмаларни дурагайлаш натижасида ҳам ажралиб чиқиши келтирилган.

Бобнинг иккинчи бўлимида турли сув режими шароитларида барг шакли турлича бўлган ғўза генотиплари баргларидаги сув алмашинувининг айрим кўрсаткичлари, хусусан баргларидаги умумий сув миқдори, сув ушлаш хусусияти, транспирация жадаллиги белгиларининг ирсийланиши ва ота-она шакллариининг белги бўйича умумий комбинацион қобилияти, F_1 дурагайларининг ўзига хос комбинатив қобилияти, F_2 авлодларида барг шаклига кўра ўзгарувчанлиги бўйича олинган натижалар келтирилган.

Сув билан оптимал таъминланганлик ва сув танқислиги шароитларида ўсимлик баргларидаги умумий сув миқдорининг энг юқори кўрсаткичларига ва умумий комбинацион қобилият (g_i) нинг энг юқори ижобий самараси яхлит ланцетсимон баргли Детерминант-3 тизмаси, белгининг паст кўрсаткичларига эса турли барг шаклига эга ота-она шакллари ва F_1 дурагайлари эга бўлганликлари асосида сув стрессига омилга таъсирчанлик генотипининг морфофизиологик ва ирсий хусусиятларига боғлиқ эканлиги,

сув танқислиги шароитида ўсимлик баргларидаги умумий сув миқдори F_1 дурагайларида барг шакли қандай бўлишидан қатъий назар салбий ўта доминантлик ҳолатида ирсийланиши, оптимал сув режими шароитида эса беш панжали кесилган барглиларда салбий ўта доминантлик, уч киртикли барглиларда салбий ва ижобий ўта доминантлик, беш панжали киртикли барглиларда салбий ўта доминантлик ва ижобий тўлиқ доминантлик, уч кесилган барглиларда асосан салбий ўта доминантлик ва баъзи комбинацияларда ижобий ўта доминантлик, уч қирқимли барглиларда салбий тўлиқсиз ва ўта доминантлик, яхлит тухумсимон ва думалоқ барглиларда ижобий ўта доминантлик ва салбий тўлиқсиз доминантлик ҳолатларида ирсийланиши аниқланди.

1-жадвал

Сув танқислиги шароитида ота-она шаклларнинг барглардаги умумий сув миқдори бўйича УҚҚ самараси (\hat{g}_i), ЎҚҚ константи (\hat{s}_{ij}), УҚҚ варианси (y^2_{gi}) ва ЎҚҚ варианси (y^2_{si})

Нав ва тизмалар	Ишонч	Л-490	Детерминант-2	Детерминант-3	Л-501	$Y \hat{s}_{ij}^2$	y^2_{si}	y^2_{gi}	\hat{g}_i
Омад	-0,36	-1,92	-1,12	-0,65	-2,20	10,34	2,07	0,40	-1,09
Ишонч	-	-1,36	0,39	-1,86	-0,66	6,03	1,21	2,06	-1,69
Л-490	-	-	-0,86	2,51	-0,86	13,30	2,66	-0,24	0,74
Детерминант-2	-	-	-	-4,63	0,53	23,85	4,77	-0,78	-0,10
Детерминант-3	-	-	-	-	-0,68	32,06	6,41	2,51	1,53
Л-501	-	-	-	-	-	6,76	1,35	-0,43	0,60

$$S_{ij} = S_{ji} \quad Y S_{ji} = 0 \quad Y g_i = 0$$

Мослашувчанлик коэффициенти (Кмос.) га кўра, сув танқислигига барглардаги умумий сув миқдори белгиси бўйича энг кам таъсирчанлик ланцетсимон баргли Детерминант-3 ва беш панжали қирқимли барг шаклига эга Л-490 тизмаларида, нисбатан кучли таъсирчанлик беш панжали киртикли баргли Ишонч навида, F_1 авлодида эса барг шаклига нисбатан кўпроқ дурагай комбинациясига боғлиқ равишда таъсирчанликнинг турли даражалари намоён бўлиши, F_2 авлодида ўсимлик баргларидаги умумий сув миқдори белгисининг наслдан-наслга берилиш коэффициенти (h^2) нинг кўрсаткичлари дурагай комбинациясига боғлиқ равишда сув билан оптимал таъминланганлик шароитига нисбатан сув танқислигида ошиши ёки камайиши аниқланган (1-жадвал).

Сув билан турлича таъминланганлик шароитларида баргларнинг сув ушлаш хусусияти бўйича энг яхши натижалар барглари беш панжали киртикли Ишонч ва Омад ғўза навларида эканлиги, белги оптимал сув режимида асосан ижобий ўта доминантлик (19 та комбинацияда), сув танқислигида эса ижобий ва салбий ўта доминантлик ҳамда салбий тўлиқсиз доминантлик ҳолатларида ирсийланиши, сув танқислиги шароитида баргларнинг сув ушлаш хусусияти бўйича умумий комбинацион қобилиятнинг энг яхши самараси беш панжали киртикли барг шаклига эга Ишонч навида ($g_i = -3,16$) бўлиб бу наздан қурғоқчиликка чидамлик селекциясида донор сифатида фойдаланиш мумкинлиги, белгининг наслдан-

2-жадвал

**Ота-она шакллари ва F₁ ўсимликларининг маҳсулдорлиги (г/ўсимлик),
доминантлик (hp) ва мослашувчанлик (Кмос.) коэффицентлари**

№	Ота-она шакллари ва F ₁ комбинациялари	Б/кир	ОФ г/ўсимлик	hp	Гете-розис %	МҚ г/ўсимлик	Hp	Кмос %
1.	Омад	Б/кир	61,9±2,1	-	-	42,9±1,4	-	-30,7
2.	Ишонч	Б/кир	47,1±3,1	-	-	44,2±2,2	-	-6,0
3.	Л-490	Я/д	55,7±2,7	-	-	34,5±1,8	-	-38,0
4.	Детерминант-2	Я/л	25,9±1,7	-	-	20,8±2,1	-	-20,0
5.	Детерминант-3	Я/д	22,0±3,7	-	-	21,2±2,4	-	-3,7
6.	Л-501	Б/кир	27,5±1,5	-	-	24,1±1,2	-	-12,5
7.	Омад х Ишонч	Б/кес	63,9±3,6	1,3	-	37,0±4,6	-9,7	-42,1
8.	Омад х Л-490	У/кир	47,3±3,9	-3,7	76,4	38,4±4,9	-0,1	-29,2
9.	Омад х Детерминант-2	У/кес	77,4±4,0	1,9	125,0	40,3±4,7	0,8	-18,8
10.	Омад х Детерминант-3	У/кир	66,0±6,4	1,2	-	45,0±5,2	1,2	-39,0
11.	Омад х Л-501	Б/кир	67,7±4,8	1,3	-	47,0±1,7	1,4	-48,0
12.	Ишонч х Омад	Б/кес	58,4±4,7	0,5	-	41,3±3,9	-3,3	-37,2
13.	Ишонч х Л-490	У/кир	69,5±6,6	4,2	124,8	42,0±4,0	0,5	-31,8
14.	Ишонч х Детерминант-2	У/кес	76,1±4,8	3,8	161,6	29,3±3,8	-0,3	-40,4
15.	Ишонч х Детерминант-3	У/кир	41,6±3,1	0,6	-	30,4±2,9	-0,2	-30,5
16.	Ишонч х Л-501	Б/кес	64,0±4,1	2,7	135,9	16,8±1,3	-0,4	-43,0
17.	Л-490 х Омад	Б/кес	56,0±4,7	-0,9	-	34,2±3,8	-1,1	-39,5
18.	Л-490 х Ишонч	У/кес	63,7±5,0	2,9	114,4	33,3±1,8	-1,3	-47,8
19.	Л-490 х Детерминант-2	У/кир	47,0±3,8	0,4	-	30,3±1,5	0,4	-61,5
20.	Л-490 х Детерминант-3	У/кес	38,8±5,9	0,1	-	30,8±4,4	0,4	-33,8
21.	Л-490 х Л-501	У/кир	58,3±4,9	1,2	-	26,5±3,3	-0,5	-26,9
22.	Детерминант-2 х Омад	У/кир	67,8±5,1	1,3	109,5	42,6±3,1	1,0	-35,0
23.	Детерминант-2 х Ишонч	У/кес	63,9±5,4	2,1	135,7	42,3±2,8	0,8	-73,8
24.	Детерминант-2 х Л-490	Я/т	30,5±4,6	-0,7	-	19,7±2,1	-1,2	-35,0
25.	Детерминант-2 х Детерминант-3	Я/д	26,7±2,4	1,4	-	20,0±1,9	-4,4	-35,4
26.	Детерминант-2 х Л-501	У/кес	37,8±5,2	14,4	137,5	33,3±1,7	6,6	-35,6
27.	Детерминант-3 х Омад	У/кес	49,9±3,2	0,4	-	29,8±4,9	-0,2	-20,5
28.	Детерминант-3 х Ишонч	У/кир	37,3±5,1	0,2	-	24,2±4,2	0,8	-2,4
29.	Детерминант-3 х Л-490	Я/т	33,5±4,6	-0,3	-	32,7±2,4	0,7	-54,6
30.	Детерминант-3 х Детерминант-2	Я/т	22,9±4,4	-0,6	-	15,5±2,0	-24,2	-41,7
31.	Детерминант-3 х Л-501	У/кир	29,3±4,7	1,7	-	24,4±3,6	1,2	-25,0
32.	Л-501 х Омад	У/кир	59,3±4,9	0,8	-	33,8±4,2	0,1	-32,5
33.	Л-501 х Ишонч	У/кес	40,0±5,4	0,3	-	26,0±3,6	-0,8	-11,8
34.	Л-501 х Л-490	Я/д	31,3±4,8	-0,7	-	18,2±3,1	-2,1	-11,3
35.	Л-501 х Детерминант-2	Я/т	32,4±4,1	7,5	-	28,8±2,6	3,9	-16,6
36.	Л-501 х Детерминант-3		26,1±4,0	0,5	-	18,9±2,0	-2,6	-27,4

Изоҳ: О.Ф.-оптималь фон, М.Қ.-моделлаштирилган қурғоқчилик, Я/л – яхлит-ланцетсимон; Я/т – яхлит-тухумсимон; Я/д – яхлит-думалок; У/кир – уч киртикли, У/кес – уч кесилган; У/кир – уч қирқимли; Б/кир – беш панжали-киртикли; Б/кес - беш панжали-кесилган; Б/кир - беш панжали-қирқимли.

наслга берилиш коэффиценти F_2 дурагай комбинацияларига боғлиқ равишда ўртачадан то юқори даражада бўлиши ($h^2=0,4-0,8$) аниқланган.

Бобнинг учинчи бўлимида сув билан турлича таъминланганлик шароитларида барг шакли турлича бўлган ғўза генотипларининг F_1-F_2 авлодида қимматли-хўжалик белгиларининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги баён этилган. Бунда сув билан оптимал таъминланганлик шароитида битта ўсимликка тўғри келувчи энг юқори маҳсулдорлик, яъни пахта хом-ашёси ҳосили барг шакли беш панжали киртикли бўлган Омад навида бўлиб, 61,9 г. ни, яхлит баргли Детерминант-2, Детерминант-3 ва Л-501 тизмаларида эса ўсимлик маҳсулдорлиги бир – бирига яқин бўлиб, мос равишда 25,9 г., 22,0 г. ва 27,5 г. ни ташкил этди. Ўрганилган барча ғўза генотипларида сув билан оптимал таъминланган шароитдагига нисбатан сув танқислиги шароитида ўсимлик маҳсулдорлиги турли даражада камайди. Сув билан кам таъминланганлик шароитида навларда белгининг энг юқори кўрсаткичлари барг шакли беш панжали-киртикли бўлган Ишонч ва Омад навларида (мос равишда 44,2 г. ва 42,9 г.), энг паст кўрсаткич эса яхлит баргли Детерминант-2 ва Детерминант-3 тизмаларида (мос равишда 20,8 г. ва 21,2 г.) қайд этилди.

Ўсимлик маҳсулдорлиги бўйича УҚҚ самарасининг юқори ижобий кўрсаткичи Омад ва Ишонч навларида ($\hat{\sigma}_i$ мос равишда 13,56 ва 8,15 га тенг) аниқланди. ЎҚҚ варианасининг ижобий юқори кўрсаткичлари Омад х Детерминант-2 ($\hat{\sigma}_{ij}=14,50$), Омад х Детерминант-3 ($\hat{\sigma}_{ij}=9,72$) ва Омад х Л-501 ($\hat{\sigma}_{ij}=8,16$) комбинацияларида, ЎҚҚ варианасининг салбий юқори кўрсаткичлари Омад х Л-490 ва Омад х Ишонч комбинацияларида ($\hat{\sigma}_{ij}$ мос равишда -10,83 ва -8,44) аниқланди.


Сув билан оптимал таъминланганлик шароитида 30 та F_1 комбинацияларининг 8 тасида ижобий гетерозис ҳолати, 1 тасида салбий гетерозис ҳолати кузатилди. Ушбу комбинациялар гетерозис селекцияси учун қимматлидир.

Сув танқислиги шароитида F_1 Омад х Л-501 комбинациясида мослашувчанлик гетерозиси (109,6%) ва ўсимлик маҳсулдорлиги (47,0) ининг юқори эканлиги, ушбу комбинация курфоқчиликка чидамлилик селекциясида фойдаланиш имкониятини кўрсатади.

Турли сув режими шароитларида F_2 дурагай комбинацияларининг маҳсулдорлик кўрсаткичлари барг шаклига кўра синфларга ажратилган ҳолда ўрганилганда барг шакли яхлит ўсимликларга нисбатан барг шакли қирқимли бўлган ўсимликлари кўп ҳосил тўплаганлиги кузатилди. Бунинг сабаби баргнинг яхлитлигига сабаб бўлувчи ингибитор (In^lIn^l , $In^l in^l$) геннинг плейтроп таъсири бўлиши мумкин, чунки яхлит баргли Л-501, Детерминант-2 ва Детерминант-3 тизмаларида ҳам маҳсулдорлик кўрсаткичи паст эканлигини кузатилди.

Сув билан оптимал таъминланганлик шароитида F_2 авлодларининг 4 та комбинациясида белги ўзгарувчанлиги кўлами 12 синфни ўз ичига олди. Булар беш панжали-киртикли барг шаклига эга Омад ва Ишонч навларининг яхлит баргли Л-501 ва Детерминант-2 тизмалари билан частиштириб олинган


комбинацияларидир. Нисбатан тор ўзгарувчанлик кўлами, яъни 8 та синф, Омад x Л-490 комбинациясида кузатилган бўлса, қолган комбинацияларда белги ўзгарувчанлиги 9-10 синфлар орасида эканлиги аниқланди. Битта ўсимликка тўғри келадиган пахта хосили бўйича чап томонли трансгрессив ўзгарувчанлик 12 та F₂ комбинациясидан 6 тасида кузатилди. Унг томонли трансгрессия, яъни ота-она навлари кўрсаткичларидан ҳам юқори ҳосилли рекомбинантларнинг ажралиб чиқиши барча F₂ комбинацияларида намоён бўлди (1-расм).



1-Расм. Сув билан оптимал таъминланганлик шароитида F₂ ўсимликларида ўсимлик маҳсулдорлиги белгисининг ўзгарувчанлик кўлами.

F₂ комбинацияларида маҳсулдорлик белгиси бўйича ўзгарувчанлик кўлами 9 дан 12 тагача синфни ташкил этди. Бунда кўрсаткичлар F₂ Омад x Ишонч комбинациясида 9 та синфга, F₂ Ишонч x Детерминант-2 ва Омад x Детерминант-3 комбинацияларида 11 та синфга қолган комбинацияларда эса 12 синфга ажралганлиги кузатилди (2-расм).

Сув танқислиги шароитида ўсимлик маҳсулдорлиги белгисининг наслдан-наслга берилиш коэффициенти (h²) Л-490 x Детерминант-3 комбинациясида 0,52 бўлган бўлса, Омад x Детерминант-2 комбинациясида 0,71 ни ташкил этди. Бошқа F₂ комбинацияларида ҳам белгининг наслдан-наслга берилиш коэффициенти (h²) ўртачадан то юқори даражада бўлиб, 0,52-0.71 оралиғида эканлиги аниқланди.



2-расм. Сув танқислиги шароитида F₂ ўсимликларида ўсимлик маҳсулдорлиги белгисининг ўзгарувчанлик кўлами.

Бобнинг тўртинчи бўлимида Сув билан турлича таъминланганлик шароитларида ғўза ўсимликларида физиологик белгиларнинг ўзаро ва морфоҳўжалик белгилари билан корреляциясини ўрганиш бўйича олинган натижалар баён этилган.

F₂ Ишонч х Л-501, F₂ Омад х Л-501 ва F₂ Ишонч х Детерминант-2 комбинацияларида барг шаклининг яхлит бўлишлиги тола узунлиги билан ўртасида кучсиз салбий (r±Sg мос равишда: -0,23±0,08; -0,13±0,05 ва -0,11±0,05), беш киртиклилиги билан ижобий кучсиз (0,21±0,06; 0,11±0,04 ва 0,16±0,06) алоқадорлик борлиги, битта кўсакдаги пахта оғирлиги билан барг шаклининг яхлит бўлишлиги ўртасида салбий кучли ва ўртача (r±Sg мос равишда: -0,78±0,05 ва -0,63±0,06), уч киртиклилиги билан кучсиз салбий (мос равишда -0,18±0,08 ва -0,21±0,08) алоқадорлик борлиги, беш киртикли барг шакли билан битта кўсакдаги пахта оғирлиги ўртасида эса кучли корреляцион боғланиш борлиги аниқланди (3-жадвал)

3-жадвал

F₂ ўсимликларининг барг пластинкаси шакли ва хўжалик белгилар ўртасидаги корреляция

Барг шакли	Тола узунлиги	Тола чикими	1000 чигит оғирлиги	Битта кусакдаги пахта оғирлиги	Махсулдорлик
F₂ Ишонч х Л-501					
Яхлит думалок	-0,23±0,08*	0,09±0,07	-0,01±0,05	-0,78±0,05**	-0,24±0,05*
Уч киртикли	0,01±0,04	-0,10±0,04*	-0,14±0,04	-0,18±0,08*	-0,14±0,03*
Беш киртикли	0,21±0,06*	0,01±0,04	0,14±0,06	0,89±0,04**	0,37±0,08*
F₂ Омад х Л-501					
Яхлит думалок	-0,13±0,05*	-0,39±0,07**	-0,22±0,06*	-0,63±0,06**	-0,19±0,04*
Уч киртикли	0,05±0,06	0,19±0,08*	0,03±0,07	-0,21±0,08*	-0,20±0,06*
Беш киртикли	0,11±0,04*	0,17±0,07*	0,17±0,08	0,75±0,07**	0,38±0,05*
F₂ Ишонч х Детерминант-2					
Яхлит думалок	-0,11±0,05*	0,08±0,04	-0,25±0,03*	-0,46±0,07*	-0,27±0,07*
Уч киртикли	0,05±0,04	-0,03±0,07	0,21±0,05*	0,01±0,06	0,11±0,09
Беш киртикли	0,16±0,06*	0,30±0,08*	0,11±0,05	0,55±0,08**	0,29±0,06*
F₂ Ишонч х Л-490					
Беш панжали киртикли	-0,29±0,09*	-0,40±0,06*	0,02±0,09	-0,36±0,08*	-0,40±0,08*
Беш панжали кесилган	0,20±0,08*	0,02±0,08*	0,16±0,06*	0,09±0,09	-0,13±0,09
Беш панжали қирқимли	0,09±0,09	0,38±0,05*	-0,18±0,05*	0,40±0,08*	0,63±0,07*
F₂ Омад х Л-490					
Беш панжали киртикли	-0,11±0,0	-0,06±0,07	-0,06±0,08	-0,19±0,07*	-0,10±0,08
Беш панжали кесилган	0,30±0,05*	0,01±0,08	-0,06±0,05	-0,06±0,06	0,27±0,04*
Беш панжали қирқимли	0,15±0,06*	0,68±0,01**	0,10±0,04*	0,44±0,05**	0,32±0,05*

* P-value 0.05, ** P-value 0.001 бўлганда натижа ишончли.

Диссертациянинг «*G. barbadense* L. тури нав ва тизмаларининг сув танқислигига физиологик ва морфоҳўжалик белгилари бўйича генотипик реакцияси» деб номланган тўртинчи боби ингичка толали ғўза навлари ва тизмаларининг сув танқислиги шароитига морфофизиологик мослашувчанлиги таҳлиliga бағишланган.

Бобнинг биринчи бўлимида, сув билан оптимал таъминланганлик ва сув танқислиги шароитларида *G. barbadense* L. тури навлари ва тизмалари физиологик белгиларининг қиёсий таҳлили келтирилган.

